

**Тошкент молия институти Кенгашининг
ҚАРОРИ**

2019 йил 27 ноябрь

№ 4/14

Тошкент ш.

**Институтда “Ёш олимлар кенгаши”
фаолиятини такомиллаштиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида**

Мазкур масала юзасидан илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.Меҳмонов ҳамда иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Х.Шеннаевнинг ахборотларини тинглаб, институт Кенгаши шуни алоҳида таъкидлайдики, 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4433-сон қароридан илмий-тадқиқотларни бажариш иштиёқига эга иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришларига имкон яратиш, янги авлод ёш олимларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш вазибалари белгиланган.

Институтда сўнги йилларда иқтидорли ёшларни излаш, уларни селекциялаш орқали илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш юзасидан маълум чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ҳолат, айниқса, институтда мавжуд илмий ихтисосликлар бўйича таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка истиқболли, илмий-инновацион соҳада фаолият юритишга қодир ёшларни қабул қилинишида намоён бўлмоқда. Институт ҳузурида илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгаш, шунингдек, мазкур илмий кенгаш ҳузурида илмий семинар ҳамда “Молия” илмий журнали, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журналининг фаолият юритиши ёш олимлар учун катта аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишларига кўмак бериш, уларнинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига оид давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда тўсқинлик қилаётган муаммоларнинг илмий ечимини топишда ёш олимларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш

мақсадида уларнинг жамоат ташкилоти бўлган “Ёш олимлар кенгаши” фаолиятини янада такомиллаштиришга, кенгаш таркибини замонавий фикрлайдиган, илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини педагогик фаолиятида самарали қўллаётган ёш олимлар, таянч докторантлар ва профессор-ўқитувчилар ҳисобидан янгилашга зарурат туғилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда институт Кенгаши муҳокамасига янги таҳрирда ишлаб чиқилган институт ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши тўғрисидаги Низом”, кенгашнинг истиқболда фаолият йўналишларини ўзида акс эттирган “Йўл харитаси” лойиҳалари тақдим этилмоқда.

Кун тартибидаги масалани кенг муҳокама қилиш ва институтда “Ёш олимлар кенгаши” фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида **институт Кенгаши**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ушбу масала юзасидан илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.Меҳмонов ҳамда иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Х.Шеннаевнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Янги таҳрирдаги Тошкент молия институти ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши тўғрисидаги Низом” 1-иловага, Тошкент молия институти ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши”нинг 2019/2020 ўқув йилида амалга оширадиган ишлари бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.Меҳмонов ҳамда институт ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши” раиси зиммасига:

3.1. “Ёш олимлар кенгаши” фаолиятини Низомга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

3.2. Мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ тасдиқланган “Ёш олимлар кенгаши”нинг 2019/2020 ўқув йилида амалга оширилишини назарда тутувчи “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиш ҳолатини ҳар ойда бир марта кенгаш йиғилишида муҳокама этилишини таъминлаш;

3.3. Бир ҳафта муддатда институт ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши” таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш учун институт ректорига тақдим этиш;

3.4. Календарь йилида бир марта, коюдага кўра, йил охирида ўтказиладиган институт Кенгашида “Ёш олимлар кенгаши” фаолияти бўйича ҳисобот бериш вазифалари юклатилсин.

4. Факультет деканлари, магистратура бўлими бошлиғи, илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи А.Пардаев, иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Х.Шеннаев ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими бошлиғи Н.Мавлонов “Ёш олимлар кенгаши”га ҳар томонлама кўмак берсин.

5. Институт ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши” ўз фаолиятини жамоатчилик асосида институт “А”-биноси, 1-қаватидаги 122-хонада ташкил этиши ва амалга ошириши белгилаб қўйилсин.


6. Институт Кенгашининг 2017 йил 2 ноябрдаги “Ёш олимлар Кенгаши Низоми”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги 3/4-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор ижросининг назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.Меҳмонов зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси

Тайёрлади:

Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи




У. Азизов

Х. Шеннаев

Келишилди:

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор



С. Меҳмонов

**Тошкент молия институти ҳузуридаги
“Ёш олимлар кенгаши” тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4433-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, институтда фаолият юритаётган ёш олимларни жамоатчилик асосида бирлаштириш орқали таълим муассасасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмаларни тижоратлаштиришда уларга кўмак бериш мақсадида ишлаб чиқилди ва институт ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши” (кейинги ўринларда - Кенгаш) фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари ҳамда кенгашнинг бошқарув органлари ваколатлари, кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмалари, институт Кенгаши қарорлари, институт ректори буйруқлари ва мазкур Низомга асосан ташкил этади.

3. Кенгаш ўз фаолиятини амалга оширишда илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими, иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими, факультетлар ва кафедралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

4. Кенгаш ёш олимларнинг жамоат ташкилоти бўлиб, илмий-тадқиқот ва ижод билан шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, институт миқёсида ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда янги илмий мактабларни шакллантиришга замин яратиш, ёш олимлар касбий ва илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, институт факультетларида ва

кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш орқали таълим сифатини ошириш ва шу тарзда илмий кадрлар тайёрлашнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда ёш олимлар ижодий ютуқларини тарғиб қилишда кўмаклашиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

5. Кенгаш 35 ёшгача бўлган профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислар, докторант, таянч докторантлардан иборат таркибда шаклланган (кейинчалик - ёш олимлар) жамоат ташкилоти ҳисобланади ва ўз фаолиятида илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорга бўйсунди.

II. Кенгашнинг мақсади ва вазифалари

6. Кенгашнинг асосий мақсади институтда ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда янги илмий мактабларни шакллантиришга замин яратиш, ёш олимларнинг касбий ва ижтимоий-маиший миқёсдаги илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини изчил ривожлантириш асосида илмий тадқиқотлар билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, уларнинг мутахассисликлари ва ижтимоий соҳаларга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш асносида юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг барқарор ривожланишини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

7. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

7.1. Ёш олимларни мамлакат илм-фани учун долзарб, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига кўмаклашувчи фундаментал, амалий ва инновацион йўналишлардаги илмий фаолиятга жалб қилиш.

7.2. Ёш олимлар фаолияти орқали Ўзбекистон Республикаси фанининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар ташкил қилиш ва олиб боришда иштирок этиш ҳамда устоз-шогирд тизимини шакллантириш.

7.3. Институт ҳамда Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигини тажриба алмашиш мақсадида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ёш олимларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш, илмий анжуманлар, семинарлар ўтказишга кўмаклашиш.

7.4. Ёш олимларнинг илмий тадқиқот иши натижаларини тижоратлаштиришда амалий кўмак бериш, илмий анжуманларда иштирок этиш учун ёш олимларнинг илмий сафарларини режалаштириш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

7.5. Ёш олимларнинг етакчи илмий марказлар ва хорижий ОТМлардаги ҳамкасблари билан ўрнатилган тартибда фаол халқаро ҳамкорлигини ташкил этиш, хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказ ва муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, илмий мактаблар, анжуманлар, семинарлар ва бошқа илмий тадбирларда иштирок этишга, хорижий мамлакатларда мақолалар эълон қилишга кўмаклашиш.

7.6. Ёш олимлар илмий ишлари танловини мунтазам ташкил этиш ва ўтказиш, давлат грантлари, хорижий мамлакатлар грантлари ва хўжалик шартномаларида ёш олимлар иштирокини таъминлаш, улар ишларини мукофотларга тақдим этиш, энг яхши ва республика учун устувор ҳисобланган илмий-тадқиқот натижаларини нашр этиш ва оммалаштиришга кўмаклашиш.

7.7. Юқори натижаларга эришган ёш олимларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар бериш, ёш олимларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган грант ажратувчи ташкилотлар тўғрисида маълумотлар йиғиш ва уларни тарқатиш.

III. Кенгашнинг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари

8. Кенгаши таркиби 17-21 нафардан иборат бўлиб, институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

9. Кенгаш раиси ва котиби институт кафедраларидаги ёш олимлардан иборат аъзолардан, жамоатчилик асосида Кенгаш йиғилишида 2 йилгача муддатга сайланади.

10. Кенгаш камида ойда бир марта йиғилади. Кенгаш қарори қатнашаётганларнинг кўпчиликлари овози билан қабул қилинган ҳисобланади. Қарор очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овоз бериш Кенгаш аъзоларининг иштироки 2/3 қисмидан кам бўлмаган ҳолда ҳақиқий ҳисобланади.

11. Кенгаш йиғилишлари орасидаги даврда унинг фаолият йўналишига доир тезкор масалаларни Кенгаш котибияти таркиби (раис, унинг ўринбосарлари ва котибдан ташкил топган) ҳал қилади.

12. Кенгаш раиси:

Кенгашнинг расмий вакили ҳисобланади, ўзининг ваколати доирасида унинг барча ишларини ташкил этади ва бошқаради, Кенгашнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқасини амалга оширади, Кенгаш фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга имзо чекади;

Кенгаш йиғилишларининг ўтказилиш вақти ва кун тартиби тўғрисида қарор қабул қилади;

Кенгаш номидан институт ёш олимларининг талаб ва истакларини ҳимоя қилади;

Кенгаш раиси камида бир йилда қилинган ишлар юзасидан Кенгаш йиғилишида ҳисобот беради;

Белгиланган мақсад ва вазифалари, иш режасининг амалга оширилиши умумий фаолияти юзасидан бир йилда бир марта институт Кенгашида ҳисобот беради.

13. Йиллик ҳисобот натижасига асосан Кенгаш унинг ваколатини тўхтатиш ва янги раис сайлаш ҳуқуқига эга.

14. Раис ваколатини тўхтатиш тўғрисидаги қарор яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади, агарда аъзоларнинг камида учдан бир қисми фаолиятни тўхтатиш таклифи билан чиқиб, аъзоларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган ҳолларда.

15. Кенгаш раиси хизмат сафари, бетоблиги, таътилдалиги вақтида унинг вазифасини Кенгаш раиси ўринбосари бажаради.

16. Кенгаш раиси ва котиби институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

IV. Кенгаш фаолияти

17. Кенгаш ўз фаолиятида:

жорий йил учун ўзининг иш режаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни тинглайди. Кенгаш тадбирлари, илмий анжуманлари, семинарлари режаларини, зарур ҳолларда жорий йил учун ўзининг Ташкилий кўмитаси таркибини тасдиқлайди, тадбирларга тайёргарлик ва ўтказиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни тинглайди.

Институт Кенгашига илмий-тадқиқот ишида муҳим ютуқларга эришган ва ижтимоий фаол ёш олимлардан раҳбар кадрлар захираси бўйича таклифлар киритади;

Ёш олимлар илмий ишлари танловини ташкил этади ва ўтказиши;

Институт ректоратига йўналишлар бўйича ёш олимларни хорижга илмий тажриба ва малака оширишига ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этишга юбориш тўғрисида таклифлар киритади;

Кенгаш йиғилишларида хорижий марказлар ва муассасаларда стажировка ўтаган ёш мутахассисларнинг ахборотини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда институт ректоратига ёш олимларнинг энг яхши ишларини тақдирлаш ва нашр этиш бўйича таклифлар киритади;

ўз фаолияти ва институт ёш олимларининг турли ютуқлари ва эришган натижалари тўғрисидаги маълумотларни оммалаштиради;

Институт Кенгашига қуйидаги масалалар бўйича таклифлар киритади:

а) докторантлар, таянч докторантлар ва ёш олимларнинг илмий ишларидаги юқори кўрсаткичлари учун тақдирлаш тўғрисида;

б) докторантлар, таянч докторантлар ва бошқа ёш олимларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида.

V. Кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгаш аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар ва ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тенг ҳуқуқлилик асосида фойдаланиш;

Кенгаш йиғилишида қатнашиш, Кенгаш фаолиятига оид асосланган таклифларни институт раҳбарияти билан келишилган ҳолда вазирликка киритиш.

Кенгаш аъзосининг мажбурияти:

Кенгаш фаолиятига тегишли қарор, мажбурият ва топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш;

Ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган Кенгаш фаолиятига тааллуқли бўлган топшириқ ва мажбуриятларни виждонан, фаол ва ижодий бажариш.

19. Кенгашга аъзолик қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:
ёш олим институтдан ишдан бўшаганда;
Кенгаш йиғилишининг тегишли қарорига кўра;
ўз аризасига мувофиқ;
бошқа талабларга асосан.

VI. Кенгаш мажбуриятлари

20. Кенгаш мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

20.1. Докторантлар, таянч докторантлар ва ёш олимларга илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва режалаштиришда кўмаклашиш, уларга илмий-тадқиқотни муваффақиятли амалга оширишлари учун тегишли шароит яратишда ёрдам кўрсатиш, уларнинг манфаатларини ваколат доирасида ҳимоя қилиш.

20.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва институт раҳбариятини докторантлар, таянч докторантлар, ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-тадқиқот фаолиятидаги муаммолари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда ушбу муаммонинг ечими тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш.

20.3. Докторантлар, таянч докторантлар ва ёш олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш бўйича уларга кўмаклашиш ва бу борада тегишли таклифларни тайёрлаш.

VII. Кенгашнинг иш тартиби ва ҳужжатларни расмийлаштириш

21. Кенгаш ўз ишини Кенгаш йиғилишида қабул қилинган ва Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган йиллик режага биноан амалга оширади.

22. Кенгашнинг мажлислари, йиғилишлари ва бошқа тадбирлари Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

23. Кенгаш ҳужжатларини расмийлаштиришни Кенгаш котиби амалга оширади.

24. Қабул қилинган қарорлар бажарилишининг назорати Кенгаш раиси томонидан амалга оширилади.

VIII. Кенгаш Низомига ўзгартиришлар киритиш тартиби

25. Ушбу Низом ва унга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар институт Кенгаши томонидан тасдиқланади. Кенгаш Низоми ва унга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар институт ректори буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг кучга кирган ҳисобланади.

IX. Яқуний ҳолатлар

26. Кенгаш фаолиятининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши институт Кенгашининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Тошкент молия институти Кенгашининг 2019 йил
27 ноябрдаги 4/14-сонли қарорига
2-илова

**Тошкент молия институти ҳузуридаги “Ёш олимлар кенгаши”нинг 2019/2020 ўқув йилида амалга
оширадиган ишлари бўйича
“Йўл харитаси”**

т/р	Чора-тадбирлар	Бажарувчилар	Муддати
1.	Институт талабалари орасидан илмий фаолиятга интилувчи ва изланувчан иқтидорли ёшларини саралаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда “Ёш олимлар кенгаши” фаолиятига жалб этиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Ўқув йили давомида
2.	“Эл-юрт умиди” жамғармаси танловлари ва халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этиш	Ёш олимлар кенгаши, халқаро ҳамкорлик бўлими	Режа асосида ҳар чоракда илмий семинарлар жадвали
3.	Институтнинг тажрибали профессорлари томонидан ёш олимларга, педагоглар, магистр ва талабаларга уларни илмий муҳитга кириши учун мақола ва тезислар чоп этишни ўргатиш юзасидан илмий семинарлар ташкил этиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши, Факультет деканлари, кафедра мудирлари	Режа асосида ҳар ойда
4.	Институтнинг тажрибали профессорлари томонидан ёш олимларга рақамли иқтисодиётнинг долзарб йўналишларида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар тайёрлаш, шунингдек, хўжалик шартномаларини тузишда эҳтиёжларга асосланган муаммоли таклифлар ишлаб чиқиш бўйича семинарлар ташкил этиш	Ёш олимлар кенгаши, кафедра мудирлари	Режа асосида ҳар ойда

5.	Рақамли иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларида, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг эҳтиёжларига асосланган илмий-тадқиқот жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга йўналтирилган илмий семинарлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Ёш олимлар кенгаши, факультет деканлари, кафедра мудирлари	2019/2020 ўқув йили давомида
6.	Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, турдош олий таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчиларини тажриба алмашиш бўйича Ёш олимлар кенгашида маърузаларини ташкиллаштириш ва бунга ёш олимлар, педагоглар, магистр ва талабаларни жалб этиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, Ёш олимлар кенгаши, факультет деканлари, кафедра мудирлари	2019/2020 ўқув йили давомида режа асосида
7.	Кафедра мудирлари, етакчи профессор-ўқитувчилар билан биргаликда институтда республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларни ўтказиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими, Халқаро ҳамкорлик бўлими, кафедра мудирлари, Ёш олимлар кенгаши	Тасдиқланган режа асосида
8.	Иқтисодиёт фанлари бўйича ОАК бюллетенига киритилган республика ва халқаро илмий журналлар рўйхати, уларда мақолалар чиқариш талаблари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва уни ёш олимлар, педагоглар, магистр ва талабаларга етказиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими, кафедра мудирлари, Ёш олимлар кенгаши	Йил давомида доимий
	Ёш олимлар, таянч докторантлар ва докторантларнинг муҳим аҳамиятга эга, докторлик диссертацияларининг натижалари бўйича ёзилган илмий мақолаларини хорижий илмий журналларда чоп эттириш ишларига моддий	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши	2019/2020 ўқув йилида

	томондан кўмаклашиш		
9.	Ёш олимлар кенгаши томонидан иш берувчи-вазирлик, идора, компания, ассоциация, корхона ва ташкилотларда илмий амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларини шлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилиши ҳолатини ўрганиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши, иш берувчилар (келишув асосида)	Доимий
10.	Ёш олимлар кенгаши томонидан вазирлик, идора, банк-молия муассасалари, корхона ва ташкилотларда мустақил изланувчилик институтида таҳсил олиш истагини билдирган мутахассислар рўйхатини шакллантириш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши	Доимий
11.	Ёш олимлар, докторантлар ва таянч докторантларнинг докторлик диссертацияси ҳимоясини тезлаштирувчи механизмларни қайта қуриб чиқиш, уларнинг индивидуал иш режасини таҳлил қилиш, зарур ҳолларда қайта тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини доимий назоратга олиш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши	Ўқув йили давомида
12.	Ёш олимлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертациялари натижаларини вазирлик, идора, компания, ассоциация, банк-молия муассасалари, корхона ва ташкилотларда татбиқ қилиш ва ҳужжатларини расмийлаштиришда соҳа корхоналари билан ҳамкорликда амалий ёрдам бериш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши	Доимий
13.	Ёш олимлар кенгаши аъзолари томонидан институт академик лицейи, касб-хунар коллежлари негизида ташкил этилган техникумларда семинарлар ташкил қилиш	Ёш олимлар кенгаши, кафедра мудирлари	2019/2020 ўқув йили давомида
14.	Институтнинг дунёнинг энг яхши TOP-1000 та университетлари таркибига кириши учун институтнинг ёш олимлари ўртасида инновацион ҳамкорликнинг самарали	Ёш олимлар кенгаши, кафедра мудирлари	2019/2020 ўқув йили давомида

	фаолиятини ташкил қилиш, Scopus, Web of Science халқаро илмий маълумотлар базасидаги ҳамда юқори импакт факторга эга хорижий журналларда илмий мақолалар чоп этиш		
15.	Ёш олимлар кенгаши фаолияти натижалари бўйича йилда бир марта институт Кенгашида ҳисобот бериш	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ёш олимлар кенгаши	Институт Кенгаши режасига асосан